

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ТИБИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

Г.Э. АРИПОВА, О.Ж. НАЗАРОВ, НАСИМОВ Э.Э.

**МЕЪЁРИЙ ва ПАТОЛОГИК ОККЛЮ-
ЗИЯ
ИБОРАЛАР ва ТУШУНЧАЛАР**

*Стоматология факультети талабалари,
клиник ординаторлар, магистрлар, аспирантлар ва шифокор - стомато-
логлар учун ўқув-услубий қўлланма*

Тошкент – 2009

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ТИБИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ЎзР ССВ кадрлар ва олий ўқув
юртлари бош бошқармаси бошлиғи
проф. _____ Ш.Э. Атаханов
« _____ » _____ 2009й

КАФЕДРА: ортопедик стоматология ва ортодонтия
ФАН: ортопедия

**МЕЪЁРИЙ ва ПАТОЛОГИК ОККЛЮ-
ЗИЯ
ИБОРАЛАР ва ТУШУНЧАЛАР**

*Стоматология факультети талабалари,
клиник ординаторлар, магистрлар, аспирантлар ва шифокор - стомато-
логлар учун ўқув-услубий қўлланма*

Ўқув-услубий қўлланма меъёрий ва патологик окклюзияни баҳолаш;
бўғимлар дисфункциясини, чакка-пастки жағ бўғими касалликларини,
юздаги оғрикларни ташхислаш ва даволаш учун мўлжалланган.

Тошкент – 2009

- Тузувчилар:** ТТА ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси доценти, т.ф.н. **Арипова Г.Э.**
 ТТА ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси аспиранти **Назаров О.Ж.**
 ТТА Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси магистри **Насимов Э.Э.**
- Такризчилар:** ТТА ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси профессори, т.ф.д. **Нигматов Р.Н.**
 ТТА ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси доценти, т.ф.д. **Хабилов Н.Л.**
 ТошВМОИ 2-стоматология кафедраси доценти, т.ф.д. **Гаффаров С.А.**

Услубий қўлланма ТТА МУХ йиғилишининг 2009 йил «___» _____
 № ___ сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Тошкент Тиббиёт Академияси
 ўқув ишлари бўйича проректор, профессор _____ **О.Р. Тешаев**

«___» _____ 2009й.

Услубий қўлланма Тошкент Тиббиёт Академияси илмий кенгашининг 2009
 йил «___» _____ № ___ сонли баённомаси қарорлари билан та-
 сдиқланган.

Илмий кенгаш котиби, профессор

Г. С. Рахимбаева

**Мавзу: МЕЪЁРИЙ ва ПАТОЛОГИК ОККЛЮЗИЯ.
ИБОРАЛАР ва ТУШУНЧАЛАР**

1. Машғулот ўтказиш жойи, жиҳозланиши.

- ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси,
- кўргазмалар қуроллар, слайдлар,
- фантомлар, артикуляторлар, моделлар;
- слайдоскоп, видеопроектор, мультимедиапроектор.

2. Машғулотнинг давомийлиги: 6-соат

3. Машғулотнинг мақсадлари

- меъёрий ва патологик окклюзия ҳақида тушунча бериш;
- окклюзия омиллари, тамоиллари ва дисгармонияси тушунчаларини ёритиш;
- гнатология асосларини ёритиш;
- сагиттал ва трансверзал текисликларида пастки жағ ҳаракати асосларини ёритиш;

Вазифалар

Талаба билиши керак:

- меъёрий окклюзия белгиларини;
- окклюзия турларини;
- патологик окклюзия омилларини;
- окклюзия рельефи ва пастки жағ ҳаракатларининг боғлиқлиги.

Талаба қила олиши керак:

Фантом ва моделларда окклюзияни физиологик ва патологик турларини аниқлаш; марказий окклюзиядан марказий муносабат, олд ва ён окклюзияларга артикуляр ёрдамида пастки жағ ҳаракатларини амалга ошириш; ишчи ва ишсиз контактларини аниқлаш.

4. Мавзунини асослаш

Меъёрий ва патологик окклюзияни баҳолаш; бўғимлар дисфункциясини, чакка-пастки жағ бўғими касалликларини, юздаги оғриқларни ташхислаш ва даволаш учун; окклюзиянинг барча турдаги (ортопедик, ортодонтик, ортогнатик хирургия) коррекцияларида барқарор марказий окклюзияни таъминлаш; ортопедик конструкцияни тайёрлаш жараёнида функционал окклюзияни режалаштириш; окклюзион жароҳатнинг пародонтга ва чакка-пастки жағ бўғимига таъсирини баҳолаш; жағ синиқларининг тўғри окклюзияга мос репозициясини таъминлаш; имплантатларнинг ўрнини ва йўналишларини аниқлаш; даволаш усулини танлаш ва тиббий тадбирлар режасини аниқлаш; пастки жағ ҳаракатини ёзиб олиш, баҳолаш ва бу ёзувларни тиш-жағ-юз тизими функционал таҳлилининг бошқа кўрсаткичлари билан солиштириш ҳақидаги билимлар умумий стоматолог амалиётида зарур.

5. Фанлараро ва фан ичидаги боғлиқлик

Шу мавзуни ўқитиш талабаларнинг тиш жағ тизими анатомияси, нормал ва патологик физиологияси бўйича билимларга асосланади.

Дарс давомида олинган билимлар терапевтик, ортопедик стоматология ва ортодонтия йўналишларида ва шу билан бирга гнатология, бўғим патологияларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш жараёнида керак бўлади.

6. Машғулоти мазмуни

6.1. Назарий қисм

ПАСТКИ ЖАҒНИНГ САГИТТАЛ ТЕКИСЛИКДАГИ ҲАРАКАТЛАРИ

КИНЕЗИОЛОГИЯ – ҳаракат ҳақидаги фан.

ГНАТОЛОГИЯ – чакка-пастки жағ бугимининг механик ҳаракати ҳақидаги таълимот.

ЭКСКУРСИЯ – пастки жағнинг маълум бир йўналишдаги ҳаракати.

ЭКСЦЕНТРИК ЭКСКУРСИЯ – пастки жағнинг марказий ҳолатдан ташқи ҳаракати (солиштиринг: марказий окклюзия).

САГИТТАЛ ҲАРАКАТ – пастки жағнинг олдинга силжиши – ташқи қанотсимон ва чайнов мушаклари (юзада жойлашганлари билан қўшилган ҳолда) ҳамда ички қанотсимон мушакларнинг икки томонлама қисқариши ҳисобига амалга ошади, чунки бу мушакларнинг ҳаракатсиз бирикиш нуқталари ҳаракатчан пастки жағга бириккан нуқталарига нисбатан олд томонда жойлашган. Пастки жағ олдинга 0,5-1,5 см гача силжиши мумкин. Чайнов ҳаракатида силжиш 2-3 ммни ташкил этади. Пастки жағнинг олдинга силжишида бўғим бошчалари олдинга ва пастга жилади. Куракли копланишли ортогнатик тишловда пастки жағнинг олдинга силжиши пастки жағ кураklarининг копланувдан чиқишидан кейингина рўй беради. Бунда улар кесув қирралари билан юқори жағ кураklarининг танглай юзаси бўйлаб пастга сирпанади. Сирпаниш пастки жағ тишлари кесув қирраларининг юқори жағ тишлари кесувчи қирралари билан жипслашгунича давом этади ва бўғим бошчаси бўғим дўмбоғигача етиб боради.

ПРОТРУЗИЯ (ПРОТРУЗИОН ҲАРАКАТ) – пастки жағнинг ҳар иккала бўғим бошчалари олдинга силжиши билан кечадиган ҳаракати.

БЎҒИМ ЙЎЛИ – бўғим бошчасининг бўғим дўмбоқчаси қиялиги бўйлаб йўли.

БЎҒИМ ЙЎЛИ БУРЧАГИ (бўғим бошчалари ҳаракати траекториясининг оғиши) – бўғим бошчаларининг марказий муносабатдан олдинга силжиган

ҳолатга ўтишида бугим бошчалари айланишининг горизонтал марказларини туташтирувчи тўғри чизигининг горизонтал чизикка нисбатан оғиши. Бу бурчак пастки жағнинг олдинга чиқиш даражасига боғлиқ равишда ўзгаради. Бўғим дўмбоқчаси дистал қиялигининг сагиттал йўналишда горизонтал чизикка нисбатан оғиши **БЎҒИМ БОШЧАСИ ҲАРАКАТИ ТРАЕКТОРИЯСИНИНГ ОҒИШИ**ни аниқлаб беради. Бўғим бошчасининг ҳаракат траекторияси эгри шаклга эга бўлиб, турли одамларда турлича бўлади.

БЎҒИМНИНГ САГИТТАЛ ЙЎЛИ – пастки жағ бўғими бошчасининг бўғим дўмбоқчаси қиялиги бўйлаб олдинга ва пастга жилишида босиб ўтадиган йўли.

БЎҒИМНИНГ САГИТТАЛ ЙЎЛИ БУРЧАГИ – бўғим сагиттал йўлининг кампер ёки франкфурт кўндаланглари билан ташкил этган бурчаги. Бўғимнинг сагиттал йўли бурчаги катталиги индивидуал бўлиб, бўғим дўмбоқчаси қиялигининг ифодаланганлигига боғлиқ ва окклюзион текисликка нисбатан 20° дан 45° гача (ўртача 30°) бўлган бурчакни ташкил этади.

КАМПЕР ГОРИЗОНТАЛИ ёки **БУРУН-ҚУЛОҚ ЧИЗИҒИ** – ташқи эшитув тешиги асосидан ёки трагус (козелок уха)дан бурун қаноти асосигача тасаввуран ўтказилган чизик.

ФРАНКФУРТ ГОРИЗОНТАЛИ – орбитанинг пастки қирраси ва ташқи эшитув найининг юқори қиррасидан ўтувчи чизик.

САГИТТАЛ КЕСУВ ЙЎЛИ - пастки жағнинг марказий окклюзиядан олд окклюзияга ўтиш ҳаракатида пастки жағ курак тишларининг юқори курак тишлар танглай юзаси бўйлаб босиб ўтадиган йўли.

САГИТТАЛ КЕСУВ ЙЎЛИ БУРЧАГИ - сагиттал кесув йўлининг кампер горизонтали билан ташкил этган бурчаги. Сагиттал кесув йўли бурчагининг катталиги окклюзион текисликка нисбатан аниқланади. Сагиттал кесув йўли бурчаги қайд этувчи махсус аппарат ёрдамида ёзиб олинади. Бу бурчакнинг катталиги индивидуал ва турлича бўлади. У окклюзион текисликка нисбатан 40° - 60° оралиғида бўлади.

ЎРТА САГИТТАЛ ТЕКИСЛИК – вертикал текислик бўлиб, танглай иккинчи кўндаланг бурмаси (қозик тишлар орасидаги)нинг танглай чоки билан кесишган жойдаги олд нуқта ҳамда қаттиқ ва юмшоқ танглай чегарасида жойлашган *spina nasalis posterior*га мос дистал нуқтадан ўтади. Бу текисликнинг жойлашишини аниқлашда шунингдек, лаб юганчалари, лаблар ва ияк ўртасидан ҳам фойдаланилади. Бу текислик интакт тишлар ёйи кўринишини баҳолаш ва сунъий тишлар қаторини тузиш учун фойдаланилади.

POSSELT ГРАФИГИ – пастки жағнинг сагиттал текисликдаги ҳаракати траекторияларининг уч ўлчовли тасвири. Бош суяги ёнбош рентген суратларини бирлаштириш орқали олинади. Пастки курак тишлар ўрта нуктасининг ўз ҳаракати чегарасидаги силжишини тасвирлайди.

ПАСТКИ ЖАҒНИНГ ТРАНСВЕРЗАЛ ТЕКИСЛИКДАГИ ҲАРАКАТЛАРИ

ПАСТКИ ЖАҒНИНГ ТРАНСВЕРЗАЛ ҲАРАКАТЛАРИ латерал қанотсимон мушакларнинг бир томонга қисқариши натижасида рўй беради. Чунончи, жағ ўнг томонга силжиганида чап, чап томонга силжиганида - ўнг латерал қанотсимон мушак қисқаради. Бу ҳаракатда бўғим бошчаси пастки жағ шохига дейрли вертикал йўналган ўқ атрофида бир томонга айланади. Бир вақтнинг ўзида бошқа томондаги бўғим бошчаси диск билан биргаликда бўғим дўмбоқчаси юзаси бўйлаб сирпанади. Агар пастки жағ ўнг томонга ҳаракатлантирилса чап томон бўғим бошчаси пастга, олдинга ва ичкарига силжийди, ўнг томон бўғими бошчаси эса вертикал ўқ атрофида айланади. Трансверсал ҳаракатлар тишлар окклюзион контактларининг маълум бир ўзгаришлари билан тавсифланади.

ЛАТЕРОТРУЗИЯ (ишчи ҳаракат) – пастки жағнинг марказий окклюзия ёки марказий муносабатдан ишчи томон йўналишидаги ҳаракати. Бунда пастки жағнинг ўрта-сагиттал текисликдан ташқарига четланиши рўй беради.

ИШЧИ ТОМОН (латеротрузия томони) - пастки жағнинг марказий окклюзия ёки марказий муносабат ҳолатидан йўналган ҳаракат томон.

МЕДИОТРУЗИЯ (ишсиз ҳаракат) – пастки жағнинг ўрта-сагиттал текисликка томон силжиши рўй берадиган ҳаракат.

ИШСИЗ ТОМОН (мувозанатловчи, медиотрузия томон) – ишчи ҳаракат пайтидаги ишчи томонга қарама-қарши томон.

ИШЧИ БЎҒИМ – латеротрузия ёки ишчи томондаги бўғим.

ИШЧИ БЎҒИМ ҲАРАКАТИ:

А. Ёнга ва юкорига: латеро-интрузия.

Б. Ёнга ва пастга: латеро-экструзия.

В. Ёнга ва олдинга: латеро-протрузия.

Г. Ёнга ва орқага: латеро-ретрузия.

ИШЧИ БЎҒИМ БОШЧАСИ – ишчи томондаги бўғимнинг бошчаси. Марказий окклюзия ҳолатидан пастки жағнинг ўнг ёки чап ён тарафга ҳаракати

вақтида ишчи бўғим бошчаси ўз бўғим чуқурчасида вертикал ўқ атрофида айланади.

ИШСИЗ БЎҒИМ БОШЧАСИ – ишсиз томондаги бўғим бошчаси. Ишсиз бўғим бошчаси ишсиз томон латерал қанотсимон мушаклари ёрдамида ўртага, пастга ва олдга тортилади ҳамда ўзининг бўғим чуқурчаси медиал ҳамда юқори деворлари ёрдамида йўналтирилади.

БОНВИЛЛ УЧБУРЧАГИ – марказий кесув нуқта билан ўнг ва чап чаккапастки жағ бўғими орасидаги муносабат. Томонлари 10,5 см атрофидаги узунликка тенг бўлган тенг ёнли учбурчак. Ўртача анатомик кўрсаткичларга мослаштирилган артикуляторлар учун асос вазифасини бажаради.

БЎҒИМ ЁН ҲАРАКАТ ЙЎЛИ – мувозанатловчи (медиотрузион) томон бўғим бошчасининг ичкарига ва пастга ҳаракати йўли. Мушаклар қисқарган томонда ҳосил бўлади. Бўғим бошчаси пастга, олдинга ва ичкарига ҳаракатланиб, бўғим бошчасининг сагиттал ўқиға нисбатан бурчак ҳосил қилади ва у **БЎҒИМ ЁН ҲАРАКАТ ЙЎЛИ БУРЧАГИ** деб аталади.

БЎҒИМ ЁН ҲАРАКАТ ЙЎЛИ БУРЧАГИ (Беннет бурчаги) – горизонтал текисликда, ишсиз бўғим бошчаси ҳаракат йўли траекторияси билан сагиттал текислик орасидаги бурчак (ўртача 17°). У франкфурт горизонталиға икки тўғри чизик проекция тарзида тасвирланади.

БЕННЕТ ҲАРАКАТИ (оний ён силжиш) – ишчи томон айланаётган бўғим бошчасининг ён ҳаракати, ўртача 1мм ни ташкил этади; индивидуал тарзда ўзгаради, ҳамиша ён томонга (латерал) йўналади: тўғри ёнга, ён олдга, ён дистал, ён юқorigа ва ён пастга тарзида бўлиши ҳам мумкин. Асосий йуналишлари – латерал, олд ва пастга.

Ишсиз томон бўғим бошчаси ҳаракати бошланишида ички томон трансверзал ҳаракат (1-3 ммга) – **ДАСТЛАБКИ ЁН ҲАРАКАТ (БЕВОСИТА БЕННЕТ ҲАРАКАТИ, IMMEDIATE SIDE SHIFT)** ни содир этиши, ундан кейин эса пастга, ичкарига ва олдинга йўналган ҳаракати.

Бошқа ҳолларда Беннет ҳаракати тўғридан тўғри пастга, ичкарига ва олдинга йўналган **БЕННЕТНИНГ ПРОГРЕССИВ (АЖРАТИЛГАН) ҲАРАКАТИ, PROGRESSIVE SIDE SHIFT, DISTRIBUTED SIDE SHIFT, EARLY SIDE SHIFT** дан бошланади.

Шундай қилиб, пастки жағнинг ён ҳаракати асосан ишчи бўғим бошчасининг вертикал ўқи атрофида айланиши ва Беннет ҳаракати туфайли бироз ёнга силжиши билан кечади.

ИШСИЗ БЎҒИМ БОШЧАСИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ. Ишсиз томон бўғим бошчаси ҳаракатининг траекторияси унинг олдинга силжиш траекториясига караганда медиалга яқинроқ бўлади. Сагиттал текисликда унинг бурилиши бир хил, горизонтал текисликка нисбатан қиялиги эса одатда бўғим бошчасининг олдинга силжиш ҳаракати траекториясидай ёки ундан бироз кескинроқ бўлади.

Ишсиз бўғим бошчаси ҳаракати траекториясининг қиялиги сагиттал текисликдан қаралганда унинг горизонтал текисликка нисбатан оғиши даражаси билан ўлчанади.

Пастки жағ бўғим бошчаларининг бўғим дисклари пастки юзаси бўйлаб айланиши оқибатида ишчи ҳаракат вақтининг ихтиёрий онидан очувчи ва ёпувчи ҳаракатларни бажариши мумкин. Бундан ташқари пастки жағ ёнга ҳаракат қилиши ва бир вақтнинг ўзидан очувчи ва ёпувчи ҳаракатларни бажариши мумкин, шунингдек бўғим бошчаси бўғим дўмбоқчасининг юқори дистал юзаси бўйлаб сирпаниши туфайли олдинга ҳаракат қилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, пастки жағнинг ўзига хос ҳаракатлари тўлиқ комплексининг содир этилиш механизми шулардан иборат.

ИШЧИ ЙЎНАЛТИРУВЧИ ФАОЛИЯТ (пастки жағнинг марказий окклюзия ҳолатидан ёнга ҳаракатини тишлар ёрдамида йўналтирилган функцияси) – тишлар бириккан ҳолатида пастки жағнинг марказий окклюзиядан ёнга ҳаракатида ишчи томондаги ушбу тишларнинг ўзаро таъсирлашувчи юзалари томонидан йўналтирилади. Табиий тишлар қаторида, асосан, икки турдаги ишчи йўналтирувчи функция учрайди: «қозиқ тиш йўли» ва «гуруҳлашган йўналтирувчи функция».

ГУРУҲЛАШГАН ЙЎНАЛТИРУВЧИ ФУНКЦИЯ (бир томонлама ҳимоя) – молярлар ва премолярлар лунж дўмбоқларининг ишчи томонда ёнлама окклюзиядаги ўзаро алоқаси. 16,3% ҳолда учрайди.

ҚОЗИҚ ТИШНИНГ ИШЧИ ЙЎЛИ – мушаклар пастки жағни ёнга ҳаракатлантирганида ишчи томон пастки қозиқ тишининг учи ёки дистал лунж қиялиги ишчи томон юқори қозигининг танглай қиялиги бўйлаб сирпаниш йўли. Бундай ҳолат пастки жағнинг ёнга, олдинга ҳаракат қилишига ва оғиз бўшлиғининг очилишига мажбур қилади. Қозиқ тишлар билан йўналтириладиган ишчи ҳаракат вақтида ишчи томоннинг марказий ва ён кураклари бир вақтнинг ўзидан қарама-қарши марказий ва ён курак тишлари билан ҳаракатчан алоқада бўлишлари мумкин. Қозиқ тишлар билан йўналтириладиган ишчи ҳаракатда премолярлар ва молярлар окклюзион жипслашуви йуқолади,

айни вақтда пастки жағ марказий окклюзия ҳолатидан четга ҳаракатланади. Мувозанатловчи томоннинг барча тишлари бу ҳаракатда бир бирига тегмай қолади. Қозик тиш йўли олд йўналтирувчи компонентларни таъминлайди, бўғим йўли эса дистал йўналтирувчи компонентларни ташкил этади ва мувозанатловчи томон тишларининг дизокклюзиясини таъминлайди. Қозик тиш йўли 57% ҳолда учрайди.

ҚОЗИҚ ТИШ ҲИМОЯСИ –ён окклюзияда ишчи томондаги қозик тишларнинг ўзаро таъсирлашуви (алоқаси).

ҚОЗИҚ ТИШНИНГ ЁН ЙЎЛИ – марказий кесув нуқтанинг марказий ҳолатдан ёнга силжишида пастки жағ қозик тишларининг босиб ўтадиган йўли. Ўрта чизик билан қозик тишларнинг ён ҳаракатида ташкил этилган бурчак бу йўлни таснифлайди ва ўртача 100° - 110° ни ташкил этади. Уни ГОТИК БУРЧАК ёки ҚОЗИҚЛАРНИНГ ТРАНСВЕРЗАЛ (ЁН) ЙЎЛИ деб айтишади.

ГОТИК ЁЙ. Пастки жағнинг горизонтал текисликдаги ҳаракати унинг ўнг ёки чап ёнга охиригача силжитилиши ҳолида юқоридан кузатилганида пастки жағ қозик тишларининг ўрта нуқтаси ҳаракати траекторияси камон ўқининг учини ёки ёйни эслатади. Бу ёйнинг тепаси марказий муносабат ҳолатига мос келади. Ёйнинг томонлари эса пастки қозиклар ўрта нуқтасининг пастки жағни охиригача ўнг ёки чап ёнга ҳаракати вақтидаги ишчи бўғим бошчаси вертикал ўқи атрофида айланишининг траекториясига мос келади.

ОЛД ЙЎНАЛТИРУВЧИ ФУНКЦИЯ (қозик йўли) – кураклар ва қозиклар пастки жағнинг ҳам олдинга силжишини, ҳам ишчи ҳаракатини йўналтирувчи сифатида пастки жағ ҳаракатининг олд йўналтирувчи компонентини ташкил этади.

ГУРУҲЛАШГАН ИШЧИ ЙЎНАЛТИРУВЧИ ФУНКЦИЯ – тишлар гуруҳининг ишчи йўналтирувчи функцияси ишчи томоннинг барча тишлари томонидан бажарилади. Пастки жағ олд тишларининг кесувчи қирралари юқори жағ олд тишларининг танглай юзалари бўйлаб сирпанади. Пастки премолярлар ва молярларнинг лунж дўмбоқларининг лунж томон қияликлари юқори жағ премолярлари ва молярлари лунж дўмбоқларининг танглай томон қияликлари бўйлаб сирпанади.

Айрим кам учрайдиган ҳолларда гуруҳлашган ишчи йўналтирувчи функция юқори жағ тишлари танглай дўмбоқларининг танглай қиялиги билан пастки тишлар тил дўмбоқларининг лунж қияликлари орасидаги жипслашувни таъминлашлари ҳам мумкин. Тишларнинг ишчи йўналтирувчи функцияси

ишчи томонда йўналтирувчи тишларнинг учма-уч ҳолатга келиб жипслашгунларича амалга оширилади.

Ишчи томонга ҳаракатнинг давоми юқори ва пастки қозиклар орасидаги контакт ёрдамида йўналтирилади. Тишларнинг бундай ҳолати КЕСИШГАН деб айтилади.

ЛАТЕРАЛ СИЛЖИТУВЧИ ҲАРАКАТЛАР – пастки жағнинг тишлар ёрдамида йўналтириладиган, биргалашган тўғри-ёнлама ва силжитувчи ҳаракатлари. Ушбу ҳаракатлар вақтида тишларнинг йўналтирувчи функцияси ишчи томоннинг қарама-қарши қозик тишлари, ён ва марказий курак тишлари ёрдамида амалга оширилади.

ТИШЛАР, ТИШ ҚАТОРЛАРИ ВА ОККЛЮЗИОН КОНТАКТЛАР

АБРАЗИЯ – тиш тўқималарининг едирилиши ва эскириши.

АТТРИКЦИЯ – тиш тўқималарининг антагонист билан ишқаланиши туфайли емирилиши.

ДЕМАСТИКАЦИЯ – тиш тўқималарининг қаттиқ овқат таъсирида емирилиши.

ИНТЕРСТИЦИАЛ АБРАЗИЯ – кучли юкланиш туфайли тишлар аппроксимал контактларининг биргаликда йўнилиши. Тиш тожининг мезиал томони ботиқ шаклда, дистал томони эса қавариқ шаклда едирилади.

БИПОДИЗАЦИЯ – дўмбок ва чекка болишчаларнинг икки нуқтали контакти.

ОККЛЮЗИЯ – тепа ва пастки жағ тишларининг контакти.

СТАТИК ОККЛЮЗИЯ – жағларнинг маълум бир позициядаги контакти.

ДИНАМИК ОККЛЮЗИЯ – жағларнинг сирпанувчи ҳаракат вақтидаги контакти.

ДИЗОККЛЮЗИЯ – антагонист тишлар орасида контактнинг йўқлиги (вертикал тиркиш).

МУВОЗАНАТЛАШТИРУВ – чайнов юзаларини йўниш ёки қайта куриш йўли билан окклюзияни тўғрилашга йўналтирилган ҳаракат.

ФУНКЦИОНАЛ ОККЛЮЗИЯ (артикуляция) – марказий, ён ва олд окклюзияда тиш қаторларининг динамик контакти – стоматогнатик тизим барча бўғинларининг интегралланган функцияси натижаси.

МАРКАЗИЙ ОККЛЮЗИЯ (интеркуспидация, дўмбоклараро контакт ҳолати, тишларнинг максимал бирикиши, дўмбоклараро контакт) – чакка-пастки жағ бўғим бошчаларининг бўғим чуқурчаларида марказий жойлашуви ҳолида тиш қаторларининг фиссура-дўмбоккли кўп сонли максимал контакти:

1) ҳар бир юқори ёки пастки тиш ўзининг икки антагонисти билан – юқори жағ тиши бир хил номли ва орқада жойлашган пастки тишлар билан; пастки жағ тиши бир хил номли ва олдинда турувчи тиш билан бирикади. Истисно тарзида юқори жағ иккинчи сут молярлари, ақл тиши ва пастки марказий курак тишлар фақат биттадан антагонистга эга бўлади.

2) юқори ва пастки марказий тишлараро ўрта чизиқлар бир сагиттал текисликда ва бир-бирининг давомида жойлашишади;

3) юқори фронтал тишлар пастки тишлар тожининг тахминан учдан бир қисмини (1,5-3 мм) коплайди;

4) юқори биринчи моляр пастки биринчи молярнинг тахминан учдан икки қисми, пастки иккинчи молярнинг эса учдан бир қисми билан жипслашади. Юқори биринчи молярнинг мезиолунж дўмбоғи пастки биринчи молярнинг лунж дўмбоқлари орасидаги кўндаланг ариқчага келиб тушади.

ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ БОШЧАЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ЖОЙЛАШУВИда бўғим бошчалари олд, юқори ва орт тирқишлари оралиқлари ўзаро, шунингдек ўнг ва чап томонлардан тахминан бир хил масофани ташкил қилади.

6.2. Тахлилий қисм

МАРКАЗИЙ ОККЛЮЗИЯДА ТИШЛАРНИНГ КОНТАКТЛАРИ

ТАЯНЧ (асосий, марказий, марказий ушлаб турувчи) **ДЎМБОҚЛАРИ** – тишларнинг дўмбоқлараро максимал бирикиши ҳолатида контактга киришувчи пастки премолярлар ва молярларнинг лунж дўмбоқлари, юқори премолярлар ва молярларнинг танглай дўмбоқлари. Улар овқатни парчалайди, пастки жағ силжишининг окклюзия майдони чегарасида бўлиш таснифини аниқлайди, чайнов босими кучларининг асосий юкланишини тиш ўқи бўйлаб тақсимлайди.

ТАЯНЧМАС (ҳимоя, йўналтирувчи) **ДЎМБОҚЛАР** – юқори чайнов тишларининг лунж дўмбоқлари, пастки чайнов тишларининг тил дўмбоқлари. Марказий окклюзияда улар ўз антагонистлари билан енгил контактда бўлади ёки, қатор муаллифлар фикрича, бундай контактга киришмайди. Бу дўмбоқлар овқатни бўлаклаш вазифасини бажаради, артикуляцияда антагонистлари учун ўз қияликларида сирпаниш текислигини ҳосил қилади, тилни тишлар орасига тушишидан ҳимоя қилади.

ДЎМБОҚЛАРНИНГ ИЧКИ ҚИЯЛИКЛАРИ – дўмбоқларнинг чўққилари ва марказий чуқурчалар орасида жойлашган, марказий фиссурага қараган қияликлари.

ДЎМБОҚЛАРНИНГ ТАШҚИ ҚИЯЛИКЛАРИ – дўмбоқларнинг учларидан ташқарига тил ва лунж томонга йўналган лунж ва тил қияликлари.

ТИШ ДЎМБОҚЛАРИ ҚИЯЛИКЛАРИ – мезиал-лунж, дистал-лунж, мезиал-тил ва дистал-тил қияликлари.

ЦЕНТРИК ТАЯНЧЛАР (марказий, Fossa-Stops) – орқа етрминал ҳолатда дўмбоқларнинг ўзаро тегишиш нуқталари.

ОЛД ОККЛЮЗИЯ пастки жағнинг олдинга силжишида шаклланади. Бунда пастки жағ фронтал тишларининг кесувчи қирралари олдинга силжиб, антагонистлари билан учма-уч бирикиши турида бирлашади. Ён тишлар дизокклюзияси (ёки иккинчи молярлар дистал дўмбоқлари контакти) ҳосил бўлади: бўғим бошчалари бўғим дўмбоқлари қияликларининг пастки учдан бири қаршисида жойлашади.

ЁН ОККЛЮЗИЯ ўнг ва чап томонлама бўлиши мумкин. Пастки жағнинг ён – ўнг ёки чап томонга силжиши туфайли ҳосил бўлади. Ён окклюзияда жағнинг ёнга силжиши катталигига тенг пастки ўрта чизик юқори ўрта чизикдан «узилишга» эга бўлади. Бўғим бошчалари турлича силжийди. Меъёрий ҳолатда окклюзия контактининг уч турини ажратиш мумкин:

1. Чайнов тишлари лунж дўмбоқларининг латеротрузия томонидаги контакти ва медиотрузия томонида окклюзия контактларининг йўқлиги – тишларнинг гуруҳлашган ишчи йўналтирувчи функцияси – гуруҳлашган контактлар.

2. Қозик тишларнинг латеротрузия томонидаги контактлари ва медиотрузия томонида окклюзия контактларининг йўқлиги – қозикларнинг йўналтирувчи функцияси – қозик тиш ҳимояси.

Тишлар мавжуд бўлган ҳолларда шу икки турдаги окклюзия контактларини тиклаш тавсия этилади.

3. Латеротрузия томонидаги чайнов тишлари бир хил номли дўмбоқлари билан, медиотрузия томонидаги чайнов тишлари эса турли номдаги дўмбоқлари билан контактда – мувозанатловчи контактлар (Гизи бўйича).

Тишлар умуман бўлмаган ҳолда ушбу турдаги контактларни тиклаш тавсия этилади.

ЖАҒЛАР МУНОСАБАТИ – пастки жағнинг юқори жағга нисбатан жойлашуви (муносабати).

ЖАҒЛАР МАРКАЗИЙ МУНОСАБАТИ (пастки жағнинг бўғимга боғлиқ ҳолда дистал жойлашуви, терминал шарнир жойлашув ҳолати) – ўзаро перпендикуляр уч текисликда жағларнинг ўзаро жойлашуви. Бунда бўғим бошчалари юкланишсиз ўрта-сагиттал ҳолатда бўғим мос чуқурчаларининг орт-юқори чеккасида жойлашишади; бу ҳолда пастки жағ ён ҳаракатларни эркин бажариши мумкин. Оғизни марказий кураклар орасида 2 см чегарасида очиш ва ёпишда пастки жағ бўғим бошчаси ундан ўтувчи терминал шарнир ўқи атрофида эркин айланиши мумкин

ТЕРМИНАЛ ШАРНИР ЎҚ (шарнир ўқ - hinge axis, айланишнинг терминал ўқи, тасаввур қилинадиган ўқ) – бўғим бошчасининг бош суягига нисбатан орқага силжиган ҳолда фақат айланма ҳаракат қилиш ўқи.

ШАРНИР ЎҚИ (терминал) **НУҚТАСИ** – шахснинг пастки жағи дистал (орт) ҳолатида булганида пастки жағ бўғим бошчасининг юзида шарнир ўқи ҳолатига мос келувчи нуқта.

ЁПИЛИШ ТЕРМИНАЛ ЁЙИ – бўғим бошчалари ўз терминал ўқлари атрофида айланишида пастки кураклараро ўрта нуқтанинг 2,0-2,5 см узунликдаги ҳаракат траекторияси.

ОРТ (ДИСТАЛ) КОНТАКТ ПОЗИЦИЯ (пастки жағнинг терминал шарнир позицияси, орт контакт ҳолати, ретрузия контакти ҳолати, Centric Relation) – жағларнинг марказий муносабати – жағларнинг марказий муносабати ҳолатида тишларнинг окклюзия контактлари. Интакт тишлар қатори ҳолида чайнов тишлари дўмбоқлари симметрик контактга эга бўлади. Пастки жағнинг терминал шарнир позициясида бўғим бошчалари энг дистал юқори-орт ҳолатидаги окклюзия муносабати.

МАРКАЗ БЎЙЛАБ СИРПАНИШ (slide in centric, марказий окклюзияда сирпаниш) – марказий муносабатдаги пастки жағнинг орт контакт ҳолатидан марказий окклюзия ҳолатига хос тишлар дўмбоқлараро максимал бирикишига сирпаниб ўтиши (кўпчилик одамларда контакт тишлар қаторининг меъёрий ҳолатида пастки жағнинг олдинга ва юқорига силжиши). Содда қилиб айтганда – пастки жағнинг орт контакт ҳолатидан марказий окклюзия ҳолатига сирпаниб ўтиши. Бу сирпанишнинг масофаси ўртача 1 мм атрофида бўлади. Сирпаниш контактда бўлган кичик ва катта илдиз тишлар қияликлари бўйлаб бўлади. Сирпанишда турлича тишлар ўзаро контактда бўлиб, унда латерал ҳаракатнинг компоненти ҳам булиши мумкин.

Пастки жағнинг марказий муносабатдан марказий окклюзияга сирпаниб ўтишида вақтидан олдин учрайдиган бошланғич контактлар бўғим бошчаларининг бўғим дўмбоқчалари бўйлаб пастга ва олдинга ҳаракатини аниқлайди. Кам ҳолларда (ер юзи аҳолисининг 10%ида) марказий муносабат ҳолатида тишларнинг бошланғич контакти бир вақтнинг ўзида дўмбоқлараро максимал контакт ҳолатига мос келиб, марказий окклюзия марказий муносабат ҳолати билан устма-уст тушади ва пастки жағни ҳаракати кузатилмайди.

Бу ҳолда беморнинг пастки жағини марказий муносабат ҳолатига йўналтириш имконияти ва беморда чайнов мушакларининг бўшашиш даражасининг назорати врачга боғлиқ.

МАРКАЗИЙ ЭРКИН ОККЛЮЗИЯ – икки томонлама окклюзия контактлари (Freiheit in der Zentric, Freedom in centric) сақлангани ҳолида пастки жағнинг марказий окклюзия ҳолатидан 1-2 мм чегарасида силжиш имконияти бўлган окклюзия.

ЦЕНТРИК ОККЛЮЗИЯ – марказий окклюзия, марказ бўйлаб сирпаниш ва орт контакт позициясини биргаликда англлатувчи ифода.

ЭКСЦЕНТРИК ОККЛЮЗИЯ – марказий окклюзиядан олд ва ён окклюзияга ўтишда тишларнинг окклюзия контактлари.

ТИШЛОВ (жипслашув) – жағларнинг марказий окклюзия ҳолатида тиш қаторларининг турлича муносабатлари.

ОДАТИЙ ТИШЛОВ (одатий окклюзия, иккиламчи мажбурий окклюзия) – тиш қаторларининг турлича максимал, кўпсонли бирикиши; бўғим бошчалари бўғим чуқурчаларида марказий жойлашмаган бўлишлари ҳам мумкин.

ОККЛЮЗИЯ БАЛАНДЛИГИ – тишлар марказий окклюзия ҳолати контактлашувида юзнинг пастки 1/3 қисми вертикал ўлчами ёки узунлиги. Юзнинг оғиздан тепада ва пастда жойлашган ихтиёрий танланган икки нуқталари орасидаги масофа кўринишида бўлиши ҳам мумкин.

ФИЗИОЛОГИК МАЙДОН ҲОЛАТИ – бош ва тананинг вертикал ҳолида мушакларнинг фаол юкланиши булмаган ҳолидаги пастки жағ тишларининг уз антогонистлари билан контактларини йуқолиши.

СОКИНЛИК (тинч ҳолат) **БАЛАНДЛИГИ** – пастки жағ физиологик тинчлик ҳолатида бўлганида юзнинг пастки 1/3 қисми узунлиги.

ЖАРОҲАТЛОВЧИ ОККЛЮЗИЯ – айрим тишларга катта юкланиш тушиши, интерференция туфайли чайнов функциясининг бузилишига олиб келадиган окклюзия.

ОККЛЮЗИЯ БАЛАНДЛИГИ – антагонист жуфт тишлар сақланган ҳолда вертикал текисликдаги буруности (subnasale) ва ияк (gnathion) нуқталари орасидаги масофа. Окклюзия баландлиги индивидуал бўлиб, юқори ва пастки жағ (альвеоляр ўсимта билан тишлар узунлиги) баландликларидан ҳосил бўлади. Одатда биринчи доимий молярлар чиққанидан кейин шаклланади. Окклюзион баландлик антагонистик тишлар мавжуд бўлмаганида ва тишсиз жағларни протезлаш жараёнида аниқланади.

ОККЛЮЗИЯ ТЕКИСЛИГИ – интакт тишлар қаторида пастки марказий кураклар кесувчи қирралари ва пастки иккинчи молярнинг дистал лунж дўмбоқлари орқали ўтадиган текислик, тахминан кампер текислигига параллел бўлади.

ПРОТЕТИК ТЕКИСЛИК – протезлаш жараёнида юқори жағ тишларини қўйиш учун сунъий ҳосил қилинадиган текислик: бурун қаноти асоси ва трагус ўртаси (ташқи эшитув найи асоси)дан ўтади, окклюзия текислигидан курак тишларни копланиш даражасига тенг масофада пастроқ ўтади.

ОККЛЮЗИЯ МАЙДОНИ (окклюзиялараро бўшлиқ) – физиологик сокинлик ҳолатида окклюзия текисликлари орасидаги масофа. Окклюзиялараро бўшлиқ клиникада юзнинг ихтиёрий нуқтасидан фойдаланган ҳолда окклюзия баландлиги билан сокинлик баландлиги орасидаги фарқ сифатида аниқланади. Одатда 2 ммдан 4 ммгача ораликда бўлади. Айрим ҳолларда 1,5 ммдан 7 ммгача бўлиши мумкин. Сокинлик клиник ҳолати шахснинг ҳаёти давомида тишларнинг олиб ташланиши ва ТИШЛОВнинг ўзгариши туфайли ўзгариб боради.

ОККЛЮЗИЯНИНГ ЁН (трансверзал) **ЭГРИЛИКЛАРИ** – чайнов тишлар соҳасида пастки ва юқори жағлар тиш қаторлари хусусиятларига боғлиқ равишда шаклланади: а) пастки жағ чайнов тишларининг ён юзалари параллел эмас – тож ўлчами тил томонига қараганда вестибуляр томонда кенгроқ, тиш тожлари тил томонга ёнбошлаган ва натижада лунж ва тил дўмбоқларининг турлича сатҳлари ташкил топади; б) юқори жағда танглай дўмбоқлари лунж дўмбоқларидан пастроқ жойлашган. Чайнов тишларининг дўмбоқлари турли сатҳларга эгалиги натижасида окклюзиянинг ён эгриликлари ҳосил бўлади ва улар ҳар икки томон чайнов тишларининг лунж ва тил дўмбоқлари орқали ўтади. Чайнов тишларининг бундай жойлашиши пастки жағнинг ёнга силжишида чайнов тишлар соҳасида окклюзия контактларини сақланиб қолишини таъминлайди ва бунда пастки жағнинг силжиши чайнов тишлари кенглигининг ярмидан ортмайди. Бу ҳолда антагонист тишлар орасидаги ок-

кклюзион муносабат қуйидагича тавсифланади: «ишчи» томон антагонистлари бир хил номли дўмбоқларда, мувозанатловчи томонда эса –ҳар-хил номли дўмбоқларда учрашишади.

ОККЛЮЗИЯ КОМПАСИ – пастки жағ асосий ҳаракатлари траекторияси. Ҳар бир тишнинг таянч дўмбоғи ва қарама қарши мос чуқур ёки фиссураси пастки жағнинг ҳаракат йўли ҳисобига марказий окклюзия ҳолатидан олд окклюзияга, ишчи ва мувозанатловчи томонга ўтиши траекториясини англатади.

ПАУНД ЧИЗИҒИ – пастки қозиқ тишнинг медиал чеккасидан пастки жағнинг моляр орти дўмбоқчасига фикран ўтқазиладиган чизиқ. Сунъий тишлар шу чизикдан ташқарига чиқмасликлари керак.

ОККЛЮЗИЯ ОМИЛЛАРИ

Пастки жағнинг ҳаракатида дистал тишлар контактларининг таснифига бир неча турлича омиллар таъсир кўрсатади. Уларни «окклюзия омиллари» деб аташади. Бўғим йўли, Беннет ҳаракати, окклюзия текислиги, Шпее эгрилиги, Уилсон эгрилиги, жағ тишлар чайнов юзаларининг морфологияси, курак йўли ва бўғим бошчалари орасидаги масофа шулар жумласига киради.

ШПЕЕ (SPEE) ЭГРИЛИГИ, компенсация эгрилиги, окклюзия эгрилиги – окклюзия текислигининг мезио-дистал йўналишдаги эгрилиги. Чайнов юзасининг биринчи молярлар соҳасида энг чуқур нуқта туфайли эгриланиши. Ушбу эгриликдан ўтувчи айлананинг маркази орбитанинг ўртасида жойлашади. Кураклар копланиши қанчалик чуқур бўлса, эгрилик шунчалик яққол бўлади. **УИЛСОН ЭГРИЛИГИ** – окклюзия эгрилигининг фронтал текисликдан қараганда кўриниши (медио-латерал қиялик).

ОККЛЮЗИЯ МОРФОЛОГИЯСИ. Дўмбоқлар катталиги, чуқурчалар чуқурлиги, бўртиқлар ва эгатчалар, шунингдек дўмбоқлар қияликларининг оғиш бурчаклари окклюзия юзаси морфологиясининг элементларини ташкил этишади. Улар пастки жағ ҳаракати вақтида жағ тишлар контакти таснифига таъсир кўрсатишади.

БЎҒИМ БОШЧАЛАРИ ОРАСИДАГИ МАСОФА – чакка-пастки жағ бўғими бошчаларининг марказлари орасидаги масофа. Бўғим бошчалари орасидаги ўзаро масофа ва ҳар бир тишдан ишчи бўғим бошчасигача бўлган масофа ишчи бўғим бошчасининг вертикал ўқи атрофида айланишида тишлар ҳаракатининг траекториясига таъсир кўрсатади.

6.3. Амалий қисм.

-окклюзия морфологиясини ўрганиш

ОККЛЮЗИЯ МОРФОЛОГИЯСИ. Дўмбоқлар катталиги, чуқурчалар чуқурлиги, бўртиқлар ва эгатчалар, шунингдек дўмбоқлар қияликларининг оғиш бурчаклари окклюзия юзаси морфологиясининг элементларини ташкил этишади. Улар пастки жағ ҳаракати вақтида жағ тишлар контакти таснифига таъсир кўрсатишади.

-протетик текисликни аниқлаш

ПРОТЕТИК ТЕКИСЛИК – протезлаш жараёнида юқори жағ тишларини кўйиш учун сунъий ҳосил қилинадиган текислик: бурун қаноти асоси ва трагус ўртаси (ташқи эшитув найи асоси)дан ўтади, окклюзия текислигидан курак тишларни қопланиш даражасига тенг масофада пастроқ ўтади.

-окклюзия баландлигини аниқлаш

ОККЛЮЗИЯ БАЛАНДЛИГИ – антагонист жуфт тишлар сақланган ҳолда вертикал текисликдаги буруности (subnasale) ва ияк (gnathion) нуқталари орасидаги масофа. Окклюзия баландлиги индивидуал бўлиб, юқори ва пастки жағ (альвеоляр ўсимта билан тишлар узунлиги) баландликларидан ҳосил бўлади. Одатда биринчи доимий молярлар чиққанидан кейин шаклланади. Окклюзион баландлик антагонистик тишлар мавжуд бўлмаганида ва тишсиз жағларни протезлаш жараёнида аниқланади.

- окклюзия тамоиллари

ОККЛЮЗИЯ ТАМОЙИЛИ. ОККЛЮЗИЯ ДИСГАРМОНИЯСИ

ИККИ ТОМОНЛАМА «ҲИМОЯЛАНГАН» ОККЛЮЗИЯ – марказий окклюзияда молярлар ва пермолярлар максимал юкланишда бўлиб, олд тишларнинг ҳаддан зиёд юкланишидан ҳимоя қиладилар. Олд окклюзияда ўнг ва чап кураклар контактда бўлишади, ён тишлар эса бирикмайдилар. Ён (ўнг ёки чап) окклюзияда ишчи томон тишлари контактга киришишади, мувозанатловчи томонда эса тишлар дизокклюзияси кузатилади.

«ҚОЗИҚ ТИШЛАР БИЛАН ҲИМОЯЛАНГАН» ОККЛЮЗИЯ – икки томонлама «ҳимояланган» окклюзиянинг бир кўриниши бўлиб, ён (ўнг ёки чап) окклюзияда ишчи томон қозик тишлари контактга киришишади, қолганлари контактда бўлишмайди.

«ГУРУҲЛИ» ОККЛЮЗИЯ - икки томонлама «ҳимояланган» окклюзиянинг кўриниши бўлиб, ишчи томоннинг қозиклари ва шу томоннинг бир ёки бир неча ён тишлари ён окклюзияда контактга киришишади, мувозанатловчи томон тишлари эса контактдан холи бўлишади.

Окклюзиянинг юқорида келтирилган уч тамойили вояга етганларнинг интакт тиш қаторларига мос келади ва «ОККЛЮЗИОН МЕЪЁР» деб қабул қилиниши мумкин.

МУВОЗАНАТЛАШГАН ОККЛЮЗИЯ – пастки жағнинг барча ҳаракатларида ҳам ишчи, ҳам мувозанатловчи томон тишлари бир хилдаги тенг тарқалган контактга эришадиган окклюзия. Тишсиз жағларни протезлаш жараёнида ҳам шундай окклюзия ташкил этилиши лозим.

«ЛИНГВАЛИЗИРЛАНГАН» ОККЛЮЗИЯ – барча тишлар йўқотилишида олиб қўйиладиган сунъий протезларни қўйиш, шунингдек имплантатга таянган протезларни тайёрлашда окклюзия контактларини яратиш учун қатор муаллифлар томонидан (Strub J. R. ва ҳаммуаллифлари, 1994) таклиф этилган. Бунда юқори молярларнинг танглай дўмбоқлари ва бир хил номли пастки тишларнинг чуқурчалари «соп ва ховонча» тамойилига мос контактлар ҳосил қилишлари кўзда тутилган. Қолган тишлар ўз антагонистлари билан контактга киришмайди. Окклюзия диагностикаси ва окклюзияни коррекциялашга кўрсатмаларни аниқлаш нуқтаи назаридан «идеал», «мақбул» ва «номақбул» окклюзия тушунчалари киритилган.

ИДЕАЛ ёки СТАБИЛ (БАРҚАРОР) ОККЛЮЗИЯ ўзининг қуйидаги белгилари билан таснифланади:

- тишларнинг яхши апроксимал контактлари бўлган узлуксиз тиш қатори ва чайнов юкланиши пародонтга бир текис тақсимланиши;
- марказий окклюзияда ён тишлар таянч дўмбоқларининг бир вақтнинг ўзида икки томонлама ўз антогонист тишлар чекка чуқурчалари ва фиссуралари билан контактда бўлиши;
- таянч дўмбоқлар антагонист тишлар дўмбоқларининг қияликлари билан контактга киришиши. Марказий окклюзияда окклюзиянинг барча нуқтавий контактлари майдони 4 мм² атрофида бўлиши;
- марказий окклюзия жағларнинг марказий муносабати билан устма-уст тушиши ёки ундан ўрта-сагиттал чизик йўналишида 1,0-1,5 мм олдинроқда бўлиши;
- жағларнинг марказий муносабатида (дўмбоқларнинг қияликлари) чайнов тишларининг икки томонлама контакти, кейинчалик эса «марказий окклюзияда сирпаниш» пастки жағнинг ёнга силжишисиз кечиши;
- А+В+С, А+В ёки В+С контактларнинг мавжудлиги;
- физиологик едирилиш таянч дўмбоқларининг ташқи қияликларида ва йўналтирувчи дўмбоқларнинг ички қияликларида рўй беради (А ва С юзалар,

I ва II синфлар). Патологик едирилиш кўпроқ горизонтал майдончаларда (бир-бирига «калит кулфга» мос келгандек) кузатилади;

- пародонт интакт бўлиб, тишларнинг патологик ҳаракатчанлиги бўлмайди, функционал юкланиш тиш ўқи бўйлаб йўналади;

- олд окклюзияда ён тишлар контактсиз (ажралган), ён окклюзияда ишчи томоннинг қозик тишлари контакти («қозик тишлар ҳимояси») ёки қозик тишлар контакти билан бир вақтда премолярлар ва молярларнинг лунж дўмбоқлари контакти («гуруҳлашган йўналтирувчи функция») кузатилади. Қолган тишлар контактга киришмайди;

- пастки жағнинг физиологик сокинлик ҳолатида премолярлар орасидаги ма-софа 2-4 ммни ташкил этади;

- мушакларнинг парафункционал фаоллиги (тишларнинг ғичирлаши) кузатилмайди, фазали ЭМГ –чайнов функцияси жараёнида мушаклар фаоллигининг мавжудлиги;

- чайновнинг икки томонлама тури, ён окклюзияларда симметрик контактлар мавжудлиги;

- марказий окклюзияда чакка-пастки жағ бўғим бошчаларининг бўғим чуқурчалари марказида симметрик жойлашуви, оғиз очилишида бўғим бошчаларининг симметрик амплитудаси (бошчалар бўғим дўмбоқчалари чегарасидан чиқиб кетмаслиги) кузатилади;

- чайнов мушакларида, чакка-пастки жағ бўғимида оғриқ бўлмайди, шунингдек бўғимда шовқинлар ҳам йўқ;

- оғизнинг очилишида пастки жағ ён томонга четланмай ва зигзагсимон ҳаракат қилмай балки, ўрта чизик бўйлаб силжийди;

- оғиз очилишининг максимал амплитудаси 40-50 мм чегарасида, ён ҳаракатлар эса 7 мм чегарасида бўлиши;

- «окклюзия йўқлиги» ҳиси мавжудлиги;

- эстетик ва фонетик бузилишларга шикоятлар йўқлиги.

«Идеал» окклюзиянинг барча белгилари бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши жуда кам учрайди. Вояга етган шахсларда одатда тиш қаторларининг жипслашувида, тиш қаторларининг тузилишида, айрим тишларнинг тиш қаторидаги жойлашувида ва бошқа айрим морфологик четланишлар бўлади.

МАҚБУЛ ОККЛЮЗИЯда «окклюзион меъёрдан» четланишлар бўлади, аммо стоматогнатик тизим бу четланишларга мослашган бўлиб, дисфункционал бузилишлар кузатилмайди, окклюзия эстетик жиҳатдан беморни қаноатлантиради ва муолажаларга муҳтожлик сезилмайди.

НОМАҚБУЛ ОККЛЮЗИЯда стоматогнатик тизим функциясининг бузилиши симптомлари мавжудлиги ва унинг етарлича мослашмагани ҳолида «окклюзион меъёрдан» четланишлар бўлади; бунда структура ва функционал бузилишлар кузатилади, даволашга кўрсатмалар бўлиши мумкин.

Окклюзия қуйидаги ҳолларда НОМАҚБУЛ БЎЛАДИ:

- пародонт патологияси;
- бўғим дисфункцияси симптомлари;
- окклюзия баландлигининг пасайиши;
- окклюзия интерференциялари (суперконтактлар);
- чайновнинг бир томонлама тури.

Тишларнинг тиш қаторларида нотўғри жойлашуви тишловнинг аномалиялари билан биргалашиб, оғизнинг барқарор ва тўла ёпилишига ёки пастки жағнинг гармоник эксцентрик сирпаниб ҳаракатланишига тўсқинлик қилади. Окклюзиянинг бузилиши тишлар ва бўғимлар функциясининг дисгармонияси ва охир оқибатда «окклюзиянинг функционал бузилишини келтириб чиқаради. Функционал бузилишларда окклюзиянинг дисгармонияси меъёрий функцияга кўмаклашиш учун нерв-мушак аппаратининг мослашув қобилияти олдида катта талаблар қўяди. Бундай мослашув пастки жағнинг ёпилиш ҳаракати содир этилаётганида тишлар ва бўғимлар функциясида тифизликни келтириб чиқаради ёки пастки жағ эксцентрик ҳаракатида кураклар ва бўғимлар йўлига мос келмайдиган тишларнинг контактларини «четлаб ўтадиган» шартли-рефлектор шаклидаги ҳаракатларнинг ривожланишига олиб келади. Мослашиш қобилияти турли шахсларда турлича бўлади ва у бошқа омиллар, асосан нерв-мушак аппаратига стресснинг психофизиологик таъсири остида бўлади. Тишлар ва бўғимлар функциясида ифодаланган дисгармония ўзи ёки нерв-мушак стресси билан биргалашган ҳолда нерв-мушак тизимининг мослашиш имконияти чегарасидан чиқиб кетиши, пастки жағ функционал гармониясини издан чиқариши ва дисфункциянинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Амалда нерв-мушак аппаратининг қачон меъёрий функцияни таъминлай олишини ва қачон морфологик бузилишларга мослашиш қобилиятини йўқотишини олдиндан айтиб бериш мумкин эмас. Бу ҳол мослашишнинг индивидуал имкониятларига ва шахснинг стрессга психофизиологик реакциясига боғлиқ. Кучли психологик таъсирлар остида окклюзия функционал бузилишининг ифодаланган шакллари айрим шахслар оғриқсиз мослашиб кетишлари ҳам мумкин. Бошқа шахсларда эса окклюзиянинг аҳамиятсиз кўринган четланишлари ёки қисқа даврли эмоционал стрес-

сларда пастки жағ дисфункциясининг жиддий симптомлари пайдо бўлиши мумкин.

Функционал бузилишлардаги ОККЛЮЗИЯНИНГ ДИСГАРМОНИЯСИ пастки жағнинг қуйидаги ҳолатлари ва ҳаракатларида намоён бўлиши мумкин:

- 1) пастки жағ терминал ёй бўйлаб айланишида;
- 2) тишларнинг марказий муносабат ҳолатида бошланғич контакти нуқта-сигача бекилишида;
- 3) пастки жағнинг марказий окклюзия ҳолатида ихтиёрий бекитувчи ҳаракатида;
- 4) тишлар билан йўналтириладиган ишчи ҳаракат жараёнида марказий окклюзия ҳолати ёки марказий муносабатдан пастки жағнинг тишлар йўналтирувида олдинга чиқишида.

Окклюзия бузилиши кўринишларидан бири тишнинг бирор қисмида ҳосил бўлган окклюзия контакти бўлиб, у қуйидагиларга тўсқинлик қилиши мумкин:

- марказий окклюзияда тиш қаторининг кўп сонли фиссура-дўмбоқлар контактига;
- олд ва ён окклюзияларда тишларнинг кўп сонли динамик контактларига;
- жағларнинг марказий муносабатида («орт контакт позицияси»да) чайнов тишлари дўмбоқларининг симметрик икки томонлама контактларига.

Бир ёки бир неча тиш бундай окклюзион тўсқинликни содир этиши мумкин ва бу тўсқинликлар окклюзия интерференцияси, суперконтакт, вақтидан олдинги контакт, дўмбоқлар тўсқинлиги, окклюзион тўсқинлик каби иборалар билан ифодаланади.

СУПЕРКОНТАКТЛАР – марказий окклюзияда тишларнинг бирикишига ва бошқа ҳоллардан пастки жағнинг марказий окклюзияга ўтишига халақит берадиган окклюзиянинг номақбул контактлари.

СУПЕРКОНТАКТЛАР ТАСНИФИ:

ЦЕНТРИК СУПЕРКОНТАКТЛАР марказий окклюзияда, орт контакт позициясида (марказий муносабатда) ва тишларнинг орт контакт позициясидан марказий окклюзияга сирпаниб ўтиш («марказ бўйлаб сирпаниш») йўлида кузатилади.

ЭКСЦЕНТРИК СУПЕРКОНТАКТЛАР олд ва ён окклюзияларда кузатилади.

Содда қилиб айтганда – эксцентрик окклюзиядаги суперконтактлар.

ОЛД ОККЛЮЗИЯДАГИ СУПЕРКОНТАКТЛАР – пастки жағ олд тишларнинг медиал қияликларида ва юқори жағ олд тишлари дистал қияликларида

кузатилади. Суперконтактлар ишчи томонда ҳам мувозанатловчи томонда ҳам бўлиши мумкин.

ИШЧИ СУПЕРКОНТАКТЛАР ишчи томонидаги премолярлар ва молярларнинг бир хил номдаги дўмбоқларининг қияликларида ҳосил бўлади ва у томон козикларининг жипслашувига тўсқинлик ҳосил қилади.

ИШСИЗ СУПЕРКОНТАКТЛАР мувозанатловчи томондаги премолярлар ва молярларнинг ҳар хил номдаги дўмбоқларининг қияликларида ҳосил бўлади. Ишсиз томондаги суперконтактлар ишчи томон тишларининг контактларига тўсқинлик қилмаса улар мувозанатловчи контактлар деб номланади. Ишсиз томондаги суперконтактлар ишчи томон тишларининг бирикишига халақит берса улар гипермувозанатловчи суперконтактлар деб номланади.

JANKELSON В. – трансверзал йўналишда окклюзион юза ва суперконтактларни 3 синфга тақсимлаган: I, II ва III синф.

Ишчи томонда тишлар I ва II синф жипслашувиде бўлади. Бу юзада суперконтакт кузатилса улар I ва II синф суперконтаклари деб номланади, мос равишда муаллиф ишсиз томон окклюзия юзаси таснифи ва суперконтактларни III синф деб таъкидлайди.

Кўп адабиётларда I синф контактлари А контакт дейилади – бу пастки жағ тишларнинг лунж дўмбоқларини ташқи қиялиги ва юқори жағ тишларнинг лунж дўмбоқларини ички қиялиги орасидаги муносабат.

III синф контактлари В контакт ҳисобланиб – юқори ва пастки жағ тишлари таянч дўмбоқлари (юқорида – танглай ва пастда – лунж) нинг ички қияликларини орасидаги муносабат бўлади.

II синф контактлари – С контактлар – пастки тил дўмбоғининг ички қиялиги ва юқори жағ тишлар танглай дўмбоғининг ташқи қияликларини орасидаги муносабат.

Фаолиятда ишчи томонда А ва С, ишсиз томонда В контактлар ҳосил бўлади.

ОККЛЮЗИЯНИНГ ЯТРОГЕН БУЗИЛИШЛАРИ – пломба, киритма, турли ортопедик конструкциялар тайёрлаш ва тишловни ортодонтик қайта куриш натижасида центрлик ва эксцентрик окклюзияларнинг бузилиши.

7. Малака, кўникмалар ва билимни текшириш усуллари.

- оғзаки
- ёзма
- фантом, артикуляторларда, моделларда амалий кўникмаларни намоёйиши

8. Жорий назоратни баҳолаш мезонлари

Ўзлаштириш %	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
96-100%	Аъло «5»	Меъерий ва патологик окклюзия омиллари ва тамоиллари тўғрисида тўғри жавоб бериш. Мустақил хулоса ва қарор қабул қилиш, ижодий фикрлай олиш, мустақил мушоҳада ва юритиш. Вазиятли масалаларни тўғри ва ижодий ечиш. Жавобларини тўлиқ асослаб бериш. Интерактив ўйинларда фаол ва ижодий қатнашиш ва уларни ечишда ижобий хулосалар ва таҳлил қилиш
91-95%	Аъло «5»	Меъерий ва патологик окклюзия омиллари ва тамоиллари тўғрисида тўғри жавоб бериш. Даволашга кўрсатма, режа тузишни аниқлай олиш. Ижодий фикрлаш, мустақил мушоҳада юртиш. Вазиятли масалаларни тўғри ечиш, жавобларини асослаб бериш. Интерактив ўйинларда фаол ва ижодий қатнашиш. Тўғри қарор қабул қилиш.
86-90%	Аъло «5»	Тиш-жағ тизимида меъёр ва патологияни фарқлай олиш. Этиопатогенез саволлари бўйича тўғри жавоб бериш, лекин 1-2та қўпол бўлмаган ҳатоларга йўл қўйилиши, мустақил таҳлил қилиш. Вазиятли масалаларни тўғри ечиш, лекин айрим ноаниқликлар кўрсатиш. Интерактив ўйинларда фаол қатнашиш, тўғри қарор қабул қилиш. Режаларни аниқ ёритиш, лекин 1-2 ноаниқлик киритиш.
81-85%	Яхши «4»	Меъерий ва патологик окклюзия омиллари ва тамоиллари тўлиқ ёритиш. Лекин 1-2 қўпол бўлмаган ҳатога йўл қўйиш. Мустақил таҳлил қилиш. Вазиятли масалаларни тўғри ечиш. Лекин айрим ноаниқликлар кўрсатиш. Интерактив ўйинларда фаол қатнашиш, тўғри қарор қабул қилиш. Режаларни тузиш, 1-2 ноаниқликларга йўл қўйиш.

76-80%	Яхши «4»	Мавзу бўйича саволларга тўғри жавоб бериш, лекин тўлиқ ёритилмаслиги. Тушиниш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш. Интерактив ўйинларда фаол қатнашиш. Вазиятли масалаларга тўлиқ жавоб бермаслиги. Кўникмаларни бажаришда 3-4 ҳатоликларга йўл қўйиши
71-75%	Яхши «4»	Саволларни тўғри, лекин тўлиқ ёритмаслиги. Талаба омилларни билади, лекин механизмини тўлиқ билмаслиги, моҳиятини тушиниш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш. Вазиятли масалаларга тўлиқ жавоб бермаслиги. 3-4 ҳатога йўл қўйиш.
66-70%	Қониқарли «3»	Саволларни ярмини ҳатоларга йўл қўйилган ҳолда ёритиш. Талаба омилларини билиши, асосий хоссаларни тўлиқ билмаслиги. Патогенезни яхши билмаслиги. Амалий кўникмалар бажаришда ҳатоларга йўл қўйиши. Фақат баъзи саволлар бўйича моҳиятини тушиниш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш. Вазиятли масалаларни тўғри ечиш, лекин жавоблар асослаб берилмаган.
61-65%	Қониқарли «3»	Саволларни ярмини ҳатоларга йўл қўйилган ҳолда ёритиш. Мавзу бўйича ҳатога йўл қўйилиши. Фақат баъзи саволлар бўйича моҳиятини тушиниш. Жавоби тўлиқ эмас. Вазиятли масалаларни тўғри ечиш, лекин жавоблар асослаб берилмаслиги, ҳатога йўл қўйилиши.
55-60%	Қониқарли «3»	Саволларни ярмини ҳатоларга йўл қўйилган ҳолда ёритиш. Мавзу бўйича ҳатога йўл қўйилиши. Вазиятли масалалар нотўғри ечилган. Интерактив ўйинларда фаол иштирок этмаслиги. Жавобларни асослаб бераолмаслик.
50-54%	Қониқарсиз «2»	Саволларнинг 1/4 қисми ёритилган. Мавзу бўйича ҳатоларга йўл қўйилган. Вазиятли масалалар нотўғри ечилган. Интерактив ўйинларда иштирок этмаган.

46-49%	Қониқар- сиз «2»	Саволларнинг 1/4 қисми ёритилган. Вазиятли масалалар нотўғри ечилган. Мустақил фикрлаш суст. Жавоблар асосланиб бераолинмайди. Ижодий жавоб йўқ.
41-45%	Қониқар- сиз «2»	Саволларнинг 1/5 қисми тўғри ёритилган. Талаба мавзу юзасидан жавоби тўлиқ эмас. Ижодий фикр юритиш йўқ. Вазиятли масалалар нотўғри ечилган. Амалий кўникмалар нотўғри бажарилган.
36-40%	Кониқар- сиз «2»	Саволларнинг 1/10 қисми нотўғри ёритилган. Мавзу бўйича саволларга жавоб йўқ. Мустақил фикрлаш, ижодий жавоб йўқ. Вазиятли масалалар ечилмаган.
31-35%	Қониқар- сиз «2»	Саволларга жавоб бермади. Мавзу бўйича умуман жавоб йўқ. Вазиятли масалалар нотўғри ечилган. Машғулот давомида ўта пассив ва ҳ.к.

9. Машғулотнинг хронологик ҳаритаси

№	Машғулот босқичлари	Машғулот шакли	Давомийлиги 270 мин.

1	Ўқитувчининг кириш сўзи		15мин
2	Уйга берилган топшириқни муҳокама қилиш	Суров, тушунтириш	45мин
3	Беморларни кўриқдан ўтказиш	Бемор кўриги	10 мин
4	Амалий кўникмаларни такомиллаштириш, моделлар, клиник-лаборатор анжомлар, аппаратлар билан ишлаш	Клиник-лаборатор анжомлар билан ишлаш	10мин
5	Машғулот амалий қисми бўйича суҳбат	Сўров, тушунтириш	90 мин
6	Машғулот мавзусини муҳокама қилиш – рефератив ахборот, семинар, бахс-мунозара	Бахс, мунозара, рефератив ахборот	90мин
7	Гуруҳдаги иш: мавзу бўйича видео кассеталар намойиши, вазиятли масалаларни муҳокама қилиш. Компьютерли дастур, интерактив ўйинлар ва ҳ.к.	Намойиш, Интерактив усуллар, актив ва пассив	10мин

10.Текширув саволлари

1. Окклюзия тушунчаси нима?
2. Окклюзия морфологияси?
3. Меъёрий окклюзия, унинг турлари?
4. Марказий окклюзия нима?
5. Марказий муносабат нима?
6. Статик окклюзия нима?
7. Динамик окклюзия нима?
8. Окклюзия дисгармонияси нима?
9. Гнатология асослари?
10. Ишчи ва ишсиз бўғим, бўғим йўли тушунчаси нима?
11. ЧПЖБ тузилиши, унинг ўзига хослиги?
12. Окклюзия эгрикликлари?
13. Кампер ва Франкфурт горизонтал юзалари нима?
14. Суперконтактлар, уларнинг турлари?

11. Тавсия этилган адабиётлар

Асосий:

1. Аболмасов Н.Г., Аболмасов Н.Н., Бычков В.А., А.Аль-Хаким. Ортопедическая стоматология: Руководство для врачей, зубных техников,

- студентов стоматологических факультетов вузов и медицинских училищ. - Смоленск, 2000.
2. Руководство по ортопедической стоматологии / Под ред. В.Н. Копейкина. - М.: Медицина, 1993.
 3. Хватова В.А. Гнатологические принципы в диагностике и лечении патологии зубочелюстно-лицевой системы // Новое в стоматологии, 2001. Спец. вып. №1(91).
 4. Гросс М.Д., Мэтьюс Дж.Д. Нормализация окклюзии. М.: «Медицина», 1986.
 5. Зыбин О. Справочник для врачей-стоматологов. Интернет-сайт «Стоматология для всех» www.dfa.ru

Кўшимча:

6. Гаврилов Е.И., Оксман И.М. Ортопедическая стоматология. - М.: «Медицина», 1978.
7. Копейкин В.Н. Ортопедическая стоматология. - М.: «Медицина», 1988.
8. Копейкин В.Н. Ортопедическое лечение заболеваний пародонта: Важнейшие вопросы стоматологии. М.: «Триада-Х», 1998.
9. Курляндский В.Ю. Справочник по ортопедической стоматологии. - Т., «Медицина», 1977.
10. Ланг Н. П., Гипп А., Грендельмайер А. Моделирование окклюзионной поверхности искусственных коронок, пломб и вкладок. Учебное пособие. М.: «Квинтэссенция», 1996.
11. Лекция на тему «Введение в гнатологию» К.П. Мешке.
12. Хватова В.А. Диагностика и лечение нарушений функциональной окклюзии. Нижний Новгород, 1996.
13. Хватова В.А. Избирательное сошлифовывание зубов // Маэстро стоматологии №3(8).-2002.
14. Хватова В.А. Гнатологические принципы в диагностике и лечении патологии зубочелюстно-лицевой системы // Новое в стоматологии, 2001. Спец. вып. №1(91).